

ISSN 2091-5616

AGRO ILM

Махсус сон

**Илм бўлмаган жойда, изланиш бўлмаган жойда
ҳеч қандай соҳада ривожланиш, юксалиш ва
умуман ушбу соҳанинг келажаги бўлмайди.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ



AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ —
СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:
**Тоҳир
ДОЛИЕВ**

МУАССИС:
Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ
ва сув ҳўжалиги
вазирлиги

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 15 августда 0291-рақам билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ ҳўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Б. Холиқов
(Ҳайъат раиси)
А. Абдуллаев
И. Абдурахмонов
А. Абдусаттаров
А. Абдусолиқов
Б. Азимов
С. Азимов
Ш. Акмалханов
Ҳ. Атабаева
К. Бойматов
Н. Бобоқулов

Ф. Галларов
Н. Ибрагимов
П. Ибрагимов
Б. Исроқлов
С. Қожақуллов
Р. Назаров
Ш. Назоқов
Ш. Нурматов
М. Одилов
М. Пардаев
Ш. Раҳимов

С. Раҳмонқулов
А. Рўзимуродов
Й. Сайимназаров
Ж. Сатторов
Б. Сулаймонов
Р. Тиллаев
М. Тошболтаев
А. Тўхтақўзиёв
Ш. Умаров
Т. Фармонов
Н. Халилов

Д. Холмирзаев
А. Хожиев
Н. Хушматов
Р. Ҳақимов
М. Ҳамидов
А. Ҳошимов
Ш. Шодмонов
Б. Шоймардонов
Р. Абдуллаев
А. Қаймов
Р. Қўзиёв

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ» ва
«AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган
илмий мақолаларга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР

1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;
— тушунарли ва раён баён этилиши;

— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (кўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, инглиз тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга 5 бетдан, илмий хабарлар эса 3 бетдан ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, 1,5 интервал ва 14 кеглда, Times New Roman ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. Мақолани расмийлаштириш (формулаларни ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар)

илмий журналлар учун қабул қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чоп бурчагига қўйилади. Мақола охирида адабиётлар рўйхати, муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, 2 нусхада электрон варианты билан қабул қилинади. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, телефон рақамлари тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани тақриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятга топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

ТАХРИРИЯТ

**2018 йил,
Махсус сон**

**Бир йилда олти
марта чоп этилади.**

**Обуна
индекси—859**

**Журнал 2007 йил
августдан чиқа
бошлаган.**

© «AGRO ILM» журнали.

Манзилимиз:
Тошкент 100004,
Шайхонтоҳур тумани
А.Навоний кўчаси, 44-уй.
Тел/факс: 242-13-24.
242-13-54.
e-mail:
uzqx_jurnal@mail.ru
qxjurnal@qssxv.uz;
Сайт: www.qxjurnal.uz

А.БОРОТОВ. Кўк пояли ем-хашак экинларини майдалаб озуқа тайёрлаш қурилмасини ишлаб чиқишнинг аҳамияти	54	А.БАБАЖАНОВ, Х.АБДИВАИТОВ, Б.ХАЛИЛОВА. Худудларни мажмуали ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда кадастр тизими	76
А.ДУСКУЛОВ, Х.МАХМУДОВ. Картошка экиш машинасининг тортишга қаршилиги	55	С.АБДУРАХМОНОВ, А.ЖЎРАЕВ. Демографик жараёнларни башоратлаш карталарини ишлаб чиқишда инновацион ёндошув	77
Б.ХУДАЯРОВ, У.ҚУЗИЕВ. Тупроқни улоқтириш масофасининг ишчи орган ўлчамларига боғлиқлиги	56	Ў.ИСЛОМОВ, Д.АБДУРАХМОНОВА. Каналлар қурилишида геодезик ишлар	78
М.ШОУМАРОВА, Т.АБДИЛЛАЕВ. Сомон пресслагични бевосита ғалла комбайни билан агрегатлаш	57	Ў.МУХТОРОВ. Экинларни оқилона жойлаштириш асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш	80
А.МУРАТОВ, И.ХУДАЕВ, О.МУРАТОВ. Грунт ўзанли суғориш тармоқларида сув шимилишига қарши қопламалар ҳосил қилиш янги технологияси	58	А.ИНАМОВ, Ж.ЛАПАСОВ, З.МАМАТКУЛОВ. GPS навигаторлари ёрдамида мақбуллаштириш ишларини амалга оширишда эришиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари	81
М.ХАЖИЕВ. Сув исрофини камайтириш мақсадида КЗУ-0,3Е русумли каналқазгич конструкциясини такомиллаштириш	60	Ю.УСМАНОВ. Деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни рекультивация қилиш чораларининг худудий дастурини ишлаб чиқиш	82
У.ҚУЗИЕВ, Б.ХУДАЯРОВ. Суюқ органик ўғитни локал қуядиган ишчи қисм параметрларини аниқлаш	61	А.МУҚУМОВ, З.ХАФИЗОВА. Ер бозори ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар	83
Ш.ИМОМОВ, Ж.КАЙПОВА, Н.ИМОМОВА. Органик чиқиндиларга анаэроб ишлов бериш технологияси	63	Р.АЛЛАЕВА. Условия совершенствования использования земельных и водных ресурсов Республики Узбекистан	84
Д.АБДУЛЛАЕВА, А.НИГМАТОВ. Улучшение системы мониторинга и управление уровня воды в открытых водоемах	63	Ғ.ДУСМУРАТОВ. Давлат-хусусий шериклиги – қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этиш механизми	85
З.АБДУЛЛАЕВ, Х.КАРИМОВА. Математическая модель нахождения оптимального варианта развития производства фермерских хозяйств	65	Ш.ИСМОНОВ, Б.УСПАНКУЛОВ. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий масалалари	87
А.ДЖАЛИЛОВ. Сув хўжалигида сув сарфи ва бьефлар сатҳи назоратининг автоматик тизими	66	Ш.МУРОДОВ. Боғдорчилик кластерлари шаклланишининг ташкилий-иқтисодий асослари ...	88
А.ИСАКОВ, А.БЕРДЫШЕВ, Д.ҚОДИРОВ. Электр ускуналар эксплуатацияси самарадорлигини такомиллаштириш	67	Н.АБДУРАЗАКОВА, Т.ФАЙЗУЛЛАЕВА. Сельское хозяйство Узбекистана и перспективы ее успешного развития в условиях глобализации ..	89
Д.ҚОДИРОВ, А.ТУРСУНБОЕВА. Микрогидроэлектростанцияни ўрнатиш учун объектни танлаб олиш ва сув оқими миқдорини аниқлаш	68	Наргиза ШИРИНОВА. Техник-муҳандис талабаларга инглиз тили ўқитиш услублари	90
С.МИРЗАЛИЕВ, К.ШАРИПОВ, А.ЛИ. Программа электронного блока управления стенда уборочного аппарата	70	Нилюфар ШИРИНОВА. Инглиз тили дарсларида ихтисосий матн билан ишлашнинг афзалликлари	91
А.ТУРДИБОЕВ, Д.АКБАРОВ. Техник чигитдан пахта мой олишда энергетик самарадорликни оширишнинг электротехнологияси	71	И.СМАНОВА. Основные направления обеспечения продовольственной безопасности	93
Ў.ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ш.ЮСУПОВ. Тут ипак курти ғумбагини қуришда ионлашган иссиқлик агентини татбиқ этиш	72	Ф.ШАФКАРОВ. Агросаноат мажмуасида давлат-хусусий шерикчилиги	94
А.УСМАНОВ. Расширенный техпроцесс автоматизированной водоподготовки от подземных источников засоленной воды в Приаралье	74	Ф.КИЛИЧЕВА. Развитие речи студентов на занятиях русского языка с использованием инновационных технологий	96
А.ЮСУБАЛИЕВ, О.ПИРИМОВ. Уруғлик чигитларни касалликларга қарши электр майдонида зарарсизлантириш	75	М.НОҚОБИЛОВ, В.МАХМУДОВ, А.ХОДЖАНОВ. Современный подход к подготовке футболистов ТИИМСХ	97
		Л.КУДРАТОВА. Динамика уровня физической подготовленности студентов тииимсх в процессе физического воспитания	98
		Ш.ХОДЖИМУХАМЕДОВА. Роль налогового менеджмента как показатель эффективности	99

Соё донининг ишқаланиш хоссаси

Соё навлари	Ҳаракат йуналиши	Материал тури								
		пўлат			резина			пластмасса		
		X	σ	V, %	X	σ	V, %	X	σ	V, %
Амиго	Кўндаланг	21°	3,0	15,7	24°42ў	1,8	8,0	19°12ў	3,0	15,7
	Бўйлама	23° 30ў	5,7	27,8	27°	2,3	9,9	21°18ў	5,7	27,8
Селекта-201	Кўндаланг	21°48ў	3,3	6,1	25°18ў	4,7	18,8	21°	3,0	6,1
	Бўйлама	24°12ў	1,6	6,6	27°42ў	2,5	9,2	22°6ў	1,6	6,6
Ойжамол	Кўндаланг	22°24ў	2,3	13,5	26°12ў	1,7	8,5	21°48ў	3,3	13,5
	Бўйлама	24°42ў	1,8	5,4	28°18ў	1,4	3,8	22°36ў	1,8	5,4

наси ишчи қисмларининг материаллини танлаш ҳамда уларнинг қамраш ва ўрнатилиш бурчагини белгилашда ҳамда ишқаланиш коэффициентини аниқлашда фойдаланилади.

1. Mohsenin N.N. *Physical Properties of Plant and Animal Materials*. Gordon and Breach Science Publishers. - New York, 1980. - pp. 90-100.
2. Астанақулов К.Д. *Свойства пшеницы как основание для проектирования зерноуборочных машин // Сельское хозяйство Узбекистана*. - Ташкент, 2001. - №5. - С. 36-37.
3. Кобзарь А.И. *Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников*. - М.: Физматлит, 2006. - 816 с.

УЎТ: 631.363.2

КЎК ПОЯЛИ ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИНИ МАЙДАЛАБ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ АҲАМИЯТИ

In this article the present day situation of live-stock feeding was analyzed and also importance of development of the green stalk forage plans cutter equipment that is for peasant and home framers was based.

Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни яқин келажакда янги босқичда ривожлантириш белгилаб олинган. Ҳаракатлар стратегиясида мазкур соҳаларни йирик комплекслар ташкил этиш билан бир қаторда аҳоли хонадонлари ва деҳқон хўжаликларига кичик чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларини тузиш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунда соҳаларга замонавий технология ва тажрибаларни тарғиб қилиш ва тарқатиш ҳамда инновацион ишланмаларни жорий қилиш муҳимлиги таъкидланган.

2017 йилда Ўзбекистонда 2,3 млн. тонна гўшт, 10,4 млн. тонна сут ва 7,0 млрд. дона тухум етиштирилган бўлса [2], яқин 2–3 йилда гўшт ишлаб чиқаришни 105,6, сут ишлаб чиқаришни 108,1, тухум ишлаб чиқаришни 111,3, балиқ етиштиришни 120 фоизга ошириш асосий вазифа сифатида белгилаб олинган [1].

Статистик маълумотларга кўра, республикамизда 2018 йил бошида жами чорва моллари сони 33 млн. 322,4 минг бошни, шундан, қўй ва эчкилар 20 млн. 680,5 минг бош, йирик шоҳли қорамоллар 12 млн. 414,7 минг бош, отлар эса 227,2 минг бошни ташкил этмоқда. Республика миқёсида боқилаётган чорва молларини турлари бўйича қиёслайдиган бўлсак, жами чорва молларининг 62,1 фоизини қўй ва эчкилар, 37,2 фоизини йирик шоҳли қорамоллар ва 0,7 фоизини отлар ташкил этиши маълум бўлади (жадвал).

Бунда чорва молларининг хўжаликлар бўйича тақсимланиши ўрганилганда жами қўй ва эчкиларнинг 17 млн. 528,2 минг боши ёки 84,6 фоизи деҳқон ёки шахсий уй хўжаликлари ҳиссасига, 2 млн. 71,4 минг боши ёки 10,2 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига, 1 млн. 80,9 минг боши ёки 5,2 фоизи бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган.

Худди шу каби йирик шоҳли қорамолларнинг тақсими ҳам кўриб чиқилганда, жами 12414,7 минг бош қорамолларнинг 11670,4 минг боши ёки 94,0 фоизга яқини деҳқон ёки шахсий ёрдамчи хўжаликларига, 601,7 минг боши ёки 4,8 фоизга яқини фермер хўжаликларига, 142,6 минг боши ёки 1,2 фоизга яқини бошқа турдаги хўжаликларда боқилаётганлигини кўриш мумкин.

Республикада чорва моллари ичида бош сони жиҳатидан қамроқни отлар ташкил қилиб, улар 227,24 минг бош ёки жами чорва молларининг 0,7 фоизига тенг. Лекин бунда шуни унутмаслик керакки, битта от камида 2 бош қорамолнинг ва 5–6 бош майда туёқли мол (қўй ва эчки)нинг озукасини ейди.

Отларнинг ҳам энг кўпи, яъни 83,6 фоизи (189,89 минг бош) деҳқон ёки шахсий хўжаликларда, 13,1 фоизи (29,95 минг бош) фермер хўжаликларига ва 3,3 фоизи (7,40 минг бош) бошқа турдаги хўжаликларда боқилмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, чорва молларининг асосий қисми деҳқон ёки уй хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари уларда кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришга эга балиқчилик ҳам йўлга қўйилапти. Шу сабабли мазкур хўжаликларда чорва моллари ва балиқларни боқиш учун озуқа тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Бу хўжаликларда чорва молларини боқишда бошқа озуқалар билан бирга маккажўхори, беда ва ёввойи ўтлар (ғумай ва ҳ.к.)нинг кўк ҳолдаги пояларидан фойдаланилади. Чорва молларини кўк поялар билан боқиш уларнинг маҳсулдорлигининг ортишига ва яхши ўсиб-ривожланишига олиб келади [3, 4]. Аммо бутунги кунда ушбу хўжаликларда кўк пояли хашакларни майдалашда ишлатиладиган кичик ўлчамли, ихчам майдалагичларнинг йўқлиги сабабли хашаклар чорва молларига майдаланмасдан берилмоқда. Натигада хашакларнинг 25–30 фоизга яқини чиқитта чиқиб кетиб, нобудгарчилиги катта ҳамда улардан фойдаланиш самараси эса паст бўлмоқда.

Шу пайтгача мавжуд бўлган ИГК-30, ИСК-3,0 ва бошқа майдалагичлар қуруқ ҳолдаги хашакларни майдалашга мўлжалланган бўлса, кўк пояларни майдалашга мўлжалланган “Волгарь-5” ва бошқа шу каби майдалагичлар эса йирик хўжаликлар учун мўлжалланган бўлиб [5], уларнинг металл ва энергия сифими ниҳоятда катта бўлганлиги ва нархи юқорилиги сабабли ҳам бутунги кунда боқилаётган мол сони кам бўлган деҳқон ёки шахсий ёрдамчи хўжаликларда фойдаланилганда самара бермайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, деҳқон ёки шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун кўк пояли озуқаларни белги-ланган талаблар даражасида кам сарф-харажатлар билан майдалаб берадиган инновацион кичик майдалагич қурил-

Чорва молларининг хўжаликлар бўйича тақсимоти, минг бош

№	Хўжаликлар турлари	Чорва молларининг турлари			Ҳаммаси
		Кўй ва эчкилар	Ириқ шохли қорамоллар	Отлар	
1	Фермер хўжаликлари	2071,4	601,7	29,9	2703,0
2	Деҳқон ёки шахсий хўжаликлари	17528,2	11670,4	189,9	29388,5
3	Бошқа хўжаликлар	1080,9	142,6	7,4	1230,9
	Жами	20680,5	12414,7	227,2	33322,4

мани ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослаш катта аҳамиятга эга.

Мазкур қурилмани ишлаб чиқишни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳар хил турдаги озуқаларни майдалагич қурилмаларнинг конструкцияси, технологик иш жараёни ва уларга қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқиш ва улар асосида

майдалагичга дастлабки талаблар ва техник топширқни шакллантириш.

2. Ишлов бериладиган объект сифатида кўк пояли хашақларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш.

3. Майдалагич қурилмани назарий ва тажрибавий тадқиқ этиш, уни ишчи қисмларининг мақбул параметрлари ва иш режимларини аниқлаш.

4. Аниқланган параметрлар бўйича майдалагични синовлардан ўтказиш ва унинг иш сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий самарасини аниқлаш.

Мазкур вазибалар амалга оширилиши натижасида чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланадиган деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун кўк пояли хашақларни майдалашда индивидуал фойдаланишга мўлжалланган ихчам майдалагич ишлаб чиқишга эришилади.

А.БОРОТОВ,
ассистент, (ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.
2. Вахабов А. Натижадорлик - бош мезон // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. - Тошкент, 2018. - №1(51) . - Б. 2-3.
3. CRAMPTON E.W., HARRIS L.E. APPLIED ANIMAL NUTRITION. - SANFRANCISCO: 1972. - P. 189-301.
4. Хафизов И., Қучичев М., Хафизов А. Тўла қимматли озиқлантиришни ташкил этишнинг сигирлар сут маҳсулдорлигига таъсири // “Агро илм”. - Тошкент, 2008. - №2(6). - Б. 24-25.
5. Беляничков Н.Н., Смирнов А.И. Механизация животноводства и кормоприготовления. - М.: Агропромиздат, 1990. - С. 168-171.

УЎТ: 631.332.7

КАРТОШКА ЭКИШ МАШИНАСИНING ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИ

The article presents the results of studies of the drag of a potato planter with a disk planting device. It was determined that with the development of the speed of the unit 4.04-6.39 km / h the resistance of the traction of the potato planting machine, respectively, varies within 4.28-5.25 kN.

Мамлакатимизда картошка экиш машиналарини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган, аммо бундай машинани яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, экспериментал нусхалари яратилган. Шулардан бири ТИҚХММИнинг “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедрасида яратилган бўлиб, унинг картошка миқдорлаш аппарати амалда қўлланиб келинаётган машиналарниқидан конструктив жиҳатдан тубдан фарқ қилади [1, 2].

Картошка экиш машинасининг тортишга қаршилигининг назарий қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [3]:

$$R = k_0 B [1 + \varepsilon (v_p - v_0)] + \beta (B - B_0) \quad (1)$$

бу ерда: k_0 - v_0 тезликка эга бўлганда машинанинг солиштирма тортишга қаршилиги, кН/м, $k_0 = 3,0-3,5$ кН/м; B - машинанинг қамров кенлиги, м; ε - агрегатнинг тезлиги 1 км/соатга ошганда, машинанинг тортишга қаршилиги коэффициентининг ўсиши, $\varepsilon = 0,03-0,05$; v_p - машинанинг ишчи тезлиги, км/соат; v_0 - ишчи тезликлар diapazonидаги бошланғич ҳаракат тезлиги, км/соат, $v_0 = 0,8 v_p$; β - агрегат қамров кенлиги 1 м. га

ортганда, машинанинг тортишга қаршилиги ортишини ҳисобга олувчи коэффициент, $\beta = 0,003-0,005$;

B_0 - машинанинг умумий қамров кенлиги (агар тракторга фақат битта машина ўрнатилган бўлса $B_0=0$ қабул қилинади);

Формула ҳадлари қийматларини: $k_0=3,0-3,5$ кН/м; $B=1,4$

Картошка экиш машинасининг тортишга қаршилигини ўлчаш натижалари

Агрегатнинг ишчи тезлиги, км/соат	Тажрибаларнинг такрорланиши	Трактор осгичи тортқиларига таъсир қиладиган кучлар миқдори, кН						Умумий тортишга қаршилиқ кг
		Пастки ўнг тортқисида, кГ		Патки чап тортқисида, кГ		Марказий тортқисида, кГ		
		ЭМА-П ИП-153 кўрсаткичи	Ҳақиқий қиймати	ЭМА-П ИП-153 кўрсаткичи	Ҳақиқий қиймати	ЭМА-П ИП-153 кўрсаткичи	Ҳақиқий қиймати	
4,04	1	135	265,56	83	245,43	161	154	357
	2	157		114		195		
	3	178		214		205		
	4	137		150		209		
	Арифметик ўртача қиймати	151,75		140,25		192,5		
5,2	1	187	365,31	152	298,37	254	217,2	446,48
	2	183		144		241		
	3	166		115		207		
	4	299		271		384		
	Арифметик ўртача қиймати	208,75		170,5		271,5		
6,39	1	282	403,66	146	283,5	306	221,86	465,3
	2	162		131		206		
	3	248		209		320		
	Арифметик ўртача қиймати	230,6667		162		277,33		